

# ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ ЎЙИНЛАРДАН Фойдаланишнинг аҳамияти

Курбонова Ш.Х.

## Бухоро муҳандислик-технология институти

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги —Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Ўқитишнинг амалий усуллари доираси жуда кенг. Оғзаки, кўргазмали ва амалий усуллар ҳар доим муайян бирикмаларда қўлланилади ва бу бирикманинг энг яхши вариантини танлаш ҳамisha ўқитиш усуллари оптималлаштиришнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ўқитишнинг асосий вазифалари ёшларга ҳар тарафлама чуқур билим бериш, уларни онгли қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бу учун уларда мустақил фикрлашларини шакллантириш лозим. Бу психологик жиҳатдан асосий вазифа ҳисобланади, яъни билим беришда турли техника воситалар, кўргазмали қуроллар, қизиқарли амалий ўйинлар ва тарқатма материаллардан фойдаланиш керак. Талабаларни мустақил фикрлашга ўрганиш ўқитишнинг бошланғич давридан бошланади. Талабаларда кўпроқ сўз бойлигини орттириш ва боланинг ўзи фикр юрита олиши керак.

Айниқса чет тили дарсларида ўқитувчидан катта талабчанлик ва ўқувчиларни тилга қизиқтира олиш маҳорати талаб қилинади. Буларнинг энг оптимал варианты бу амалий ўйинларни қўллашдир. Чунки асосий мақсад ўқувчиларни сўзлаш нутқини ривожлантириш, тез фикр юрита олиш, изланиш ва топқирлик қобилиятларини шакллантиришдир.

Чет тилини ўқитишда амалий ўйинлар йўналишлари турли хил. Булар

**“Беш дақиқали фаолият ”** деб аталиб: кроссвордлар, муаммоли саволлар, сўз ўйинлари, хатоларни тузатиш, тез айтишлар, ёдда сақлаш, тест

саволлари, —ҳа, йўқ, —мени тушун каби ўйинларини ўз ичига олади. Бу ўйинлар индивидуал равишда, диалог ёки бутун гуруҳ билан олиб борилиши мумкин. Булардан энг кўп қўлланиладиган ўйинларни шарҳлаб ўтиш жоиз.

Масалан:

- **Хатони тузатинг** ўйини. Доскада бир неча гаплар ёзилади. Лекин ёзилишида бир неча синтетик ва грамматик хатоларга йўл қўйилади. Ўқувчиларнинг мақсади бу хатоларни топиб тузатиш. Бу усул асосан инглиз тилида грамматик жиҳатдан тўғри ёзиш қоидаларини ўргатади.
- **Сўзни ўчириш** ўйинида доскада янги сўзлар ёзилиб таржима қилинади. Доскага 1 ўқувчини чиқариб 2 дақиқа вақт берилади. Кейин сўзлар бирин-кетин ўчирилади. Ўқувчининг мақсади бу сўзларни қайта тўғри ёзиш. Ўқитишнинг бу усули ёдда сақлаш қобилиятини ривожлантиради.
- **“Мени тушун** ўйинида битта ўқувчи синф хонадан ташқарида чиқиб туради. Қолганлари битта сўзни танлаб у киргандан сўнг тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Бу амалий ўйин 2 хусусияти билан ажралади. Бири ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириб, иккинчиси уларнинг сўз бойлигини оширишга ёрдам беради.
- **Сўз ўйини** да доскада бир нечта сифат сўз туркумлари ёзилади. Ўқувчиларнинг мақсади бирин-кетинлик билан тўхтамай шу сифатлар билан қўлланилиши мумкин бўлган сўзларни айтишлари керак. Ўйланиб қолган ёки занжирни узган ўқувчи ўйиндан чиқади. Ўқитишнинг бу усули асосан мустақил изланиш ва тез жавоблилиқка ундайди.
- **Сўз тузиш** ўйинида синф 2 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир нечта сўз ясовчи қўшимчалар берилади. Шу қўшимчалар билан энг кўп сўз тузган гуруҳ ғолиб ҳисобланади. Бу амалий ўйинни қўллашдан асосий мақсад ўқувчиларни луғат билан ишлаш ва сўз бойлигини янги сўзлар билан бойитишдир.

Хуллас бу амалий ўйинларни инглиз тили фанини ўргатишда кенг қўллаш тавсия этилади. Булар тилни ўргатиш билан биргаликда:

- инглиз тили (грамматика, лексикология, фразеология) бўлимларини чуқур ўргатади.

- ёдда сақлаш қобилиятни ривожлантиради.

- оғзаки нутқини ривожлантириб, уларнинг сўз бойлигини оширишга ёрдам беради.

- мустақил изланиш ва тез жавоблиликка ундайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология:назария ва амалиёт.Т.:«Фан», 2005.

2. Йўлдошев Ж.,Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.“Ўқитувчи” 2004.